

## Англия мусулмонлари тартиб ва озодаликни таъминламоқдалар



10:20 / 26.05.2021 1997

«Блекберн» масжидига ташриф буюрувчи мусулмонлар жамоаси дам олиш кунлари кўчалардан ўнлаб қоп ахлат йиғиб тозалов ишларини амалга оширишди. Бу ҳақда [islam.ru](http://islam.ru) сайти хабар беради.

Image not found or type unknown



«Масжид шаҳар аҳолисига яшаш жойлари билан фахрланишга ва ҳудудни тоза сақлашга ёрдам беради», дейди масжид котиби Исмоил Пател.

Шунингдек, хайрия аъзоларидан бири: «Биз ушбу тадбирларда фикрдош инсонлар билан танишиш учун фойдаланамиз ва уларга ўзларининг кичик гуруҳларини шакллантиришга кўмаклашамиз» дея таъкидлади.

***Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси***